Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
26 февраль
ШАНБА

№ 17
(12.341)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Вилоят ҳаёти

БЎКА ТУМАНИ

ИСЛОҲОТЛАР КАФОЛАТИ

Республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаси бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Педагогика касб-ҳунар коллежида уюштирилган мазкур тадбирда 300 дан зиёд ўқувчилар иштирок этиб, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиларининг "Ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш – ислоҳотлар кафолати" мавзусидаги маърузаларини тинглашди. Тадбир давомида ўқувчиларнинг саволларига атрофлича тушунтириш берилди.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

АДАБИЙ УЧРАШУВ

31-умумтаълим мактабида ёзувчи ва шоирлар билан учрашув уюштирилди. Унда таниқли ижодкорлар, тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этишди.

Учрашув давомида ёзувчи ва шоирлар ўзларининг ҳаётий тажрибалари ва янги ижод маҳсуллари ҳақида суҳбатлашиб, китобхонларни хушнуд этдилар. Ўз навбатида ўқувчилар ҳам улар ижодига мансуб қатор шеърларни ёддан ўқиб беришди.

Ирода МАҚСУД қизи.

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

«ЗАКОВАТ»ДА «ИСТИҚЛОЛ» ҒОЛИБ

Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Заковат" интеллектуал ўйини уюштирилди. Унда тумандаги 7 та коллеж жамоалари қатнашди.

Турли ижтимоий мавзу ва ўқув фанлари доирасида берилган саволларга энг кўп жавоб берган педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг "Истиқлол" жамоаси 1-ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зулфия ҲУСАНОВА.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

Чувалачи, Кўктерак ва Ҳасанбой қишлоқларида туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, ҳарбий қисм ва божхона вакиллари аҳоли билан савол-жавоб кечалари ўтказишмоқда.

Тадбирда мамлакат чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш, товар-моддий бойликлар ноқонуний йўл билан олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, айниқса, ёшлар ноқонуний ишларга аралашиб қолмасликларини назарда тутиб, ҳушёр ва огоҳ бўлмоқ лозимлиги борасида, маърузалар тингланди.

АНГРЕН ШАҲРИ

ЁШЛАР – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Вилоят давлат педагогика институтида "Биз, ёшлар ичкиликбозлик ва кашандаликка қаршимиз", "Биз, ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" мавзуларида маънавий-маърифий кеча ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати уюштирган тадбирда турли соҳа вакиллари иштирок этиб, талаба ёшларга тушунча ва йўл-йўриқлар кўрсатиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шундай тадбирларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ҲУНАРМАНД ЭЛ АРДОҒИДА

"Ҳунардан унар" деганларича бор. Республика "Hunarmand" уюшмасининг Ангрен – Оҳангарон минтақавий бўлими ташкил этилиб, иш бошлаганига эндигина бир ярим йил бўлганига қарамай, аллақачон эл оғзига тушди, аҳоли ишончини қозонди, тайёрлаётган маҳсулотларининг харидоргирлигига эришди. Бугунги кунга келиб, уюшмага аъзо бўлган том маънодаги қўли гул ҳунармандлар 97 кишига етди.

Гапни бир бошдан бошлайдиган бўлсак, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, "Hunarmand" уюшмаси бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилди. Бундан асосий мақсад – халқ орасидаги уста ҳунармандларни кашф этиш, уларни уюшмага бирлаштириб, истеъдодларини юзага чиқариш ва ривожлантириб, муқим иш ва барқарор даромад манбаига эга қилиш. Ва бунданда муҳими – шаҳар ва қишлоқ ёшларини уюшмаларга оммавий жалб этиб, ҳунар ўргатиш ва у ёки бу касб эгаси сифатида доимий иш билан банд этиш. Иккинчи томондан эса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида соғлом рақобатни кучайтириш орқали аҳолининг кундалик турмушда фойдаланиладиган ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш. Қолаверса, уюшма аъзолари сафи кенгайиб, соғлом рақобат қанчалик кучайса, маҳсулотлар сифати ҳам шунчалик яхшиланиб, турлари ҳам кўпайиб боради.

– Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлар ва рассомларнинг "Hunarmand" уюшмаси жамоат, нотижорат ташкилот ҳисобланади, – дейди республика уюшмасининг Ангрен – Оҳангарон ҳудудий бўлими раиси Абдумалик Сулаймонов. – Ў республика Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат ривожини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ усталари, ҳунармандлар ва рассомлар бирлашмаси – "Hunarmand" уюшмасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида фаолият юритади.

Ангрен – Оҳангарон ҳудудий бўлими республика уюшмасининг энг намунали шахобчаларидан бўлиб, ўз фаолиятини кенг қўламда ва изчил йўлга қўйиб олган. Ҳозир ҳудудий уюшмада 14 та йўналишда иш юритилиб, 126 турда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Булар фақат халқ истеъмол молларидан иборат бўлмай, улар орасида турли услубда тикилган кийим-кечаклар, шунингдек, миллий либослар ҳам бор.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Шоҳиста Мадиёрова (ўртада) ҳамкасблари билан.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни ижтимоий таъминот соҳасидаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини ўзида акс эттиради.

Маълумки, 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган пенсия таъминоти қонунчилигида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажининг қуйи чегараси белгиланмаган. Яъни фуқаро 1 ой, ҳатто 1 кун ишлаган бўлса ёки аёллар 10 йил, эркаклар эса 12,5 йил ишласа ҳам пенсия ёшига етганда уларга энг кам миқдордаги пенсия тайинланар эди. Натижада, турлича иш стажига эга бўлган фуқароларга бир хил пенсия тайинланиши ижтимоий адолат тамойилларига тўла мувофиқ келмас эди.

Ваҳоланки, хорижий давлатлар пенсия қонунчилигида, жумладан, Россия, Беларусь, Грузия, Арманистон, Туркманистон ва Тожикистонда пенсия тайинлаш учун камида 5 йиллик суғурта бадаллари тўланган иш стажи талаб қилиниши белгилаб қўйилган. АҚШда пенсияга чиқиш учун ишчиларнинг тоифасига қараб, камида 5 йилдан 10 йилгача иш стажи талаб этилади. Литва ва Эстонияда ушбу талаб 15 йил қилиб белгиланган. Чилида эса камида 20 йил давомида суғурта бадаллари тўлаган фуқароларгагина энг кам миқдордаги пенсиялар тайинланади.

Шу муносабат билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига ўзгартиш киритилиб, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган камида беш йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланиши белгиланди. Талаб этилаётган 5 йиллик иш стажига эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий адолат тамойилларига тўла мувофиқ келмас эди.

Ваҳоланки, хорижий давлатлар пенсия қонунчилигида, жумладан, Россия, Беларусь, Грузия, Арманистон, Туркманистон ва Тожикистонда пенсия тайинлаш учун камида 5 йиллик суғурта бадаллари тўланган иш стажи талаб қилиниши белгилаб қўйилган. АҚШда пенсияга чиқиш учун ишчиларнинг тоифасига қараб, камида 5 йилдан 10 йилгача иш стажи талаб этилади. Литва ва Эстонияда ушбу талаб 15 йил қилиб белгиланган. Чилида эса камида 20 йил давомида суғурта бадаллари тўлаган фуқароларгагина энг кам миқдордаги пенсиялар тайинланади.

Шу муносабат билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига ўзгартиш киритилиб, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган камида беш йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланиши белгиланди. Талаб этилаётган 5 йиллик иш стажига эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий адолат тамойилларига тўла мувофиқ келмас эди.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ, экология фалокати минтақасида ишлаганлар имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга фуқаролар тоифасидан чиқарилди. Уларга имтиёзли пенсия тайинлаш ҳуқуқи 1993 йил 3 сентябрдаги қонун билан жорий қилинган бўлиб, Чернобиль атом электр станциясида юз берган ҳалокат оқибатларини бартараф этиш бўйича жараён бунга асос сифатида олинган.

(Давоми 2-бетда).

ГАП МАЪНАВИЙ СОҒЛОМЛИКДА

Чиноз тумани хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида гиёҳвандлик, ОИТС, диний экстремизм масалаларига бағишланган учрашув ташкил этилди.

"Гиёҳвандлик, ОИТСга қарши кураш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш" мавзусида ўтган тадбирда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ходимлари, маҳаллалар раислари ва диний маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

Тадбирда туман прокуратураси вакиллари юқоридаги мавзуда маруза қилдилар. Йиғилганлар эътиборига ушбу иллатларга оид видеофильмлар ҳавола этилди.

Ўз мухбиримиз.

ТАДБИР

ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Янгийўл шаҳар технология-иқтисодиёт коллежида вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида "Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокининг истиқболлари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, тадбиркор аёллар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, вилоят савдо-саноат палатаси ва банк ходимлари иштирок этишди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун бизнес-режа тузиш ва кредитлардан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар бериш мақсадида уюштирилган семинар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбиркор аёлларга, айниқса, тадбир якунида уюштирилган баҳс-мунозара маъқул бўлди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди, тажриба алмашишди.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева қатнашди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТЛАРДА: семинар-тренинг қизғин баҳс-мунозара тарзида ўтди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚАЛБЛАРГА БАҲОРИЙ ШОДЛИК БАҒИШЛАБ...

Юртимизда янгиланиш фасли баҳор нафаси сезилмоқда. Қир-адирларда бойчечак бўй кўрсатди. Гул-чечаклар таровати қалбларга баҳорий илиқлик, шод-хуррамлик олиб кираётир.

Баҳор келиши билан шаҳару қишлоқлар, далаю даштда ҳаёт янада қайнайди. Ободонлаштириш, дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш, жойлардаги саранжом-саришталик янада қизийди. Айниқса, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами яқинлашгани сайин онасию бувисини табриклаш учун гул кўтарган болалар, гул излаган йигитлар кўпаяди.

Зангиота туманидаги "Uzworldexotic" масъулияти чекланган жамияти ходимлари баҳор, байрамлар арафасида бозорларимизни чиройли, сифатли ва нисбатан арзон гуллар билан таъминлашдек хайрли ишга бел боғлаган. Етти йил муқаддам иш бошлаган мазкур корхонанинг бир ярим гектар майдондаги иссиқхонасида бугун гулларнинг юздан зиёд ноёб тури парваришланмоқда.

– Гул етиштиришнинг ўзига яраша ташвиши бор, бироқ одамларнинг баҳри дилини очиш, қалбига қувонч улашиш жуда мароқли, – дейди корхона раҳбари Бахтиёр Отахўжаев. – Иссиқхонамизда хориждан олиб келинган янги гул навлари ҳам етиштирилмоқда. Улардан бири – Голландия лоласи ва гербера гулларидир. Гулдаста учун мўлжалланган бу чечаклар нафақат чиройли, балки сувли идишда йигирма кундан зиёд очилиб туриши билан ҳам машҳур.

Голландия лоласининг беш, гербера гулининг эса йигирмага яқин тури парвариш қилиниб, бозорларимизга етказиб берилмоқда.

Корхонада Голландия, Франция, Италия, Чехия, Словакия сингари мамлакатлардан олиб келинган турфа гул кўчатлари юртимиз иқлим ва тупроқ шароитига мослаштирилди.

Айни пайтда корхонада баҳор мавсумига, айниқса, Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам олдидан кўча ва хиёбонларни, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини табиий гуллар билан безаш, кўкаламзорлаштириш учун гул кўчатлари етиштирилмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Шаҳидлар хотираси хиёбонига янада кўрк ва латофат бағишлаш учун махсус гул кўчатлари ўстирилаётир. Гуллар Қозоғистон, Туркманистон каби қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

"Uzworldexotic" корхонасида ўн бешга яқин киши меҳнат қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхона жамоаси иссиқхонани янада кенгайтириб, ўн турдаги янги гул нави етиштиришни режалаштирган. Бунинг натижасида, қўшимча йигирмага яқин янги иш ўрни яратилади.

Корхонада амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва қулай шарт-шароитлар самарасидир.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Зангиота туманида партиянинг республика Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" маърузасидан келиб чиқадиган истиқболдаги вазифалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган оммавий-сиёсий анжуманда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Концепцияни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган партия дастурининг бажарилишида депутатлик гуруҳларининг амалий иштироки, ташаббускорлиги ва масъулиятини оширишга бағишланган масалаларга алоҳида урғу берилди.

Анжуманда электорат манфаатлари ва партия позициясини ўзида акс эттирувчи ҳудудий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, амалга ошириш жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш лозимлиги таъкидланди.

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда партия электорати манфаатларига қаратилган устувор ташкилий ва оммавий-сиёсий фаолиятни белгилаб берувчи масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда партиянинг амалий ҳаракат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилгани, ундаги тадбирлар Президентимиз илгари сурган Концепцияни амалга оширишда партиянинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Пленум қатнашчилари Концепциянинг асосий қоидалари партия доимий электорати манфаатларига тўлиқ мос келишини таъкидлашди. Бу эса партия зиммасига давлатимиз раҳбари таклиф этаётган қонунчилик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифасини юклайди.

Пленум якунида республика Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажаришда партиянинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган амалий ҳаракат дастури тасдиқланди.

Отабек САИДОВ.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Бекобод шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси ҳамда "Ширкатлар уюшмаси" билан ҳамкорлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, унда кўзда тутилган мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

ЧИҚИНДИДАН БИОГАЗ

"Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви билан ҳамкорликда чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш технологиясига бағишланган семинар ўтказди.

Унда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви, "Микрокредитбанк" бошқармаси, "Мадад" суғурта агентлиги ходимлари, хусусий тадбиркор ва фермерлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар аҳоли соғлиғига хавф солувчи чиқиндилардан оқилона фойдаланилса, қўшимча энергия манбаи – биогаз ҳосил қилиш мумкинлиги, бугунги кунда соҳада амалий ишлар бошлаб юборилгани, бу алоҳида хўжаликларни ёқилғи ва юқори самарали экологик тоза ўғитлар билан таъминлай олишини таъкидлашди.

Саид ФАЙЗИЕВ.

СОҒЛОМ МИЛЛАТ ЮРТ ТАЯНЧИ

Зангиота туман халқ таълими бўлимида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида саломатлик мавзусида семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда бугунги кунда мактаб ва боғчаларнинг санитария ҳолати, муассасада болалар саломатлигини сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди. Гигиеник қонун-қоидаларни оилада шакллантириб бориш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шундай тадбирлардан яна бири туманнинг Эшонгузар шаҳарчасида ҳам бўлиб ўтди. Ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ҲУНАРМАНД ЭЛ АРДОҒИДА

Ангренлик фаол ҳунармандлар халқ бадиий ҳунармандчилиги, безакли амалий санъат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан изчил шуғулланмоқдалар. Улар сафида ҳақиқий усталардан тортиб бошловчи ҳунарманд ва заргарларгача бор. Халқимиз бундай кишиларни "қўли гул" дея эъзозлайди, қадрлайди.

Уюшманинг ҳудудий бўлими аъзолари ёғоч, суяк, тош ва ганч ўймакорлиги, металл ва тунукага ишлов бериш, шамшир, ханжар, пичоқ, заргарлик, қўлда гиламлар тўқиш, шиша, чинни, фаянс ва бошқа кулолчилик буюмлари ясашнинг ҳадисини олишган. Дастлаб миллий маданиятимизни қайта тиклашни кўзлаб ташкил этилган уюшма кейинчалик миллий устачилик ва ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида кенг кўламда фаолият бошлаб юборди.

Ҳозирги кунда шаҳар бозори пештахталарида мис ва жездан ясалган буюмлар, меъморий безак воситалари, нақшли труба, қўйма буюм ва ошхона ускуналарини кўплаб учратиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси уюшма усталари ва ҳунармандлари қўлида сайқал топган.

Жумладан, оҳангаронлик касаначи Ф. Турсунхўжаев уюшмага аъзо бўлгач, ўз устахонасида ҳақиқий оилавий бизнесини ташкил этди. Энди унинг оиласи оёқ кийимларни ямаш билан чекланмай, турли хил, шу жумладан, миллий пойабзаллар ишлаб чиқармоқда. Ҳунарманд И. Боймуродованинг рўмол, дурра ва рўмолчалари гўзаллиги ва сифатлилиги билан машҳур бўлиб кетди.

Республика уюшмасининг ҳудудий бўлими шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон тумани меҳнат ва аҳоли ижтимоий бандлиги марказлари билан амалий ҳамкорлик қилиб, ўз фаолиятини кенгайтириб, такомиллаштириб бормоқда. Уста ва ҳунармандлар байрамларда уюштирилаётган шаҳар ярмаркаларида фаол қатнашмоқдалар. Баркамол авлод йилида ташкил этилган "Қўли гулдир ўзбек аёлин" кўргазмасида иштирок этдилар. "Оила куни"да энг яхши ҳунармандлар оиласи шаҳар маъмурияти томонидан муносиб тақдирланди. "Ташаббус – 2010" танловида "Шаҳлия" модалар уйи усталарининг маҳсулотлари алоҳида мақтовга сазовор бўлди. Уларнинг раҳбари Шоҳиста Мадиёрова "Энг яхши тадбиркор аёл" унвонини қўлга киритди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СУРАТЛАРДА: Абдуқодир Раимов (юқорида) эшик ва дераза ромлари ясашнинг моҳир устаси; Киромиддин Жамолиддинов ясаган бешиклар доим харидоргир; Фарруҳ Сулаймонов тунукага жило беришнинг ҳадисини олган.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Халқ усталари ва ҳунармандлар уюшмасининг асосий вазифаларидан бири халқ санъати ноёб турлари ва юксак бадиий буюмлар тайёрлаш анъанасини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва ёшларга мерос қолдириш эди. Ишонч билан айтиш мумкинки, уюшма ўз зиммасидаги бу муҳим вазифани муваффақиятли уддалаяпти. Зеро, "Hunarmand" ўз фаолиятини бошлаб, кўплаб уста ва ҳунармандлар юрагига чўғ ташлаб, хусусий тадбиркорликни бошлашлари учун амалий ёрдам бераяпти. Бу саъй-ҳаракатлар "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилади.

– Уюшманинг вилоят бошқармасини тузиш жараёни давом этаяпти, – дейди Абдумалик Сулаймонов. – Мен айни вақтда бошқарма бошқаруви вакили вазифасини бажарувчи сифатида айтишим мумкинки, ҳозиргача вилоят шаҳар ва туманларида ўнта бўлим ташкил этилиб, адлия бошқармасида рўйхатдан ўтказилган. Яна тўртта бўлимнинг ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

КАРДИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юрак қон-томир касалликларини даволашда замонавий технологияларни қўллаш самараларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кардиологлар уюшмаси, Тюмень кардиология маркази (Россия) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, ёш тадқиқотчилар, даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари ва россиялик мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Комилов, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Р. Курбонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари тармоғининг ташкил этилиши соғлиқни сақлаш соҳасини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, тегишли давлат дастурларининг изчил ижроси натижасида тиббиёт тизимида хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ошмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон кардиологиясининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, юрак қон-томир тизими касалликларида юксак технологияларни қўллаш самаралари, қон-томир тизимидаги етишмовчиликларни ва юракнинг нотекис уришига олиб келувчи омилларни бартараф этишда янги диагностика ва даволаш технологияларини қўллаш, кардиожарроҳлик ютуқлари ва галдаги вазифаларига бағишланган маърузалар тингланди.

ЎзА.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Шу кунга қадар экология фалокати минтақасида ишлаган фуқароларга имтиёзли пенсия тайинлаш нормаси фақат мамлакатимиз пенсия қонунчилигида мавжуд бўлиб, бошқа бирор давлат қонунчилигида бундай меъёр назарда тутилмаган. Республикамизда экологик ноқулай ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳарчасида мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда ишловчиларнинг ойлик иш ҳақларига минтақавий коэффицентлар белгиланган ва уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари сақлаб қолинди.

Қонунга биноан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг "Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи" деб номланган. 12-моддасидан "в", "г", "д", "е", "ж" ва "и" бандлар чиқарилди. Мазкур бандлар қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари, тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизида йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналари машинисти бўлиб ишлаган аёллар, авиация муҳандис-техниклари таркиби ходимлари, тўқимачилик дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар, шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳайдовчилари, экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар учун белгиланган ёшдан 5 йил аввал имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини белгилар эди. Кўрсатиб ўтилган имтиёзлар собиқ Иттифоқ иқтисодиётининг устувор тармоқларида банд аҳолини рағбатлантириш мақсадида илк бор 1956 йилда киритилган бўлиб, бугунги кунда ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "в" бандида қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифаларига хусусан, сувчи, механизатор, чўчқабоқар ва бошқаларга имтиёзли пенсия тайинлаш назарда тутилган эди. Ҳозирги пайтда фермер хўжаликларининг аксарияти пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, узумчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, ушбу фермер хўжаликлари замонавий техникалар билан таъминланган. Улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида оптималлаштириш жараёнлари ўтказилиб, ходимларнинг бажарадиган лавозим вазифалари тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси фермер хўжаликларида ишловчи ходимлар учун оғир меҳнатни камайтиришга ҳамда иш жараёнининг енгиллашувига, шунингдек, ойлик маошлари миқдорларини оширишга, қўшимча даромад топишга замин яратмоқда.

Шунингдек, Қонуннинг 12-моддаси "з", "к" ва "л" бандлари қайта кўриб чиқилиб, ушбу ҳуқуққа эга ишловчилар тоифаси қисқартирилди. Мазкур бандлар беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар, ўқитувчи ва бошқа маориф соҳаси ходимлари ҳамда шифокор ва бошқа тиббий ходимлар учун имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини назарда тутарди. Таъкидлаш жоизки, қайд этилган фуқаролар тоифасига муддатидан аввал имтиёзли пенсия тайинлаш нормаси собиқ Иттифоқ қонунчилигига мувофиқ, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда аҳолининг демографик ҳолатини яхшилаш мақсадида жорий этилган бўлиб, бу ҳам ҳозир долзарблигини йўқотган.

Айни пайтда, киритилган ўзгартиш ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари учун имтиёзли пенсияга чиқишни тамомила бекор қилмайди, балки имтиёзли тоифаларни оптималлаштиради. Муассасалар тури бўйича имтиёзлар эса умумтаълим мактабларидан махсус ихтисослашган мактабларга ўтказилди ҳамда барча турдаги тиббиёт муассасалари ўрнига иш шароити оғир ва зарарли бўлган махсус ихтисослашган тиббиёт муассасалари ходимлари учун сақлаб қолинди. Шунингдек, шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳайдовчиларининг имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқлари олиб ташланиши билан, пенсия қонунчилигида транспорт соҳасининг темир йўл транспорти, метрополитен ҳамда дарё транспорти ходимларига белгиланган имтиёзлар ҳам сақлаб қолинди.

Хулоса қилиб айтганда, пенсия таъминотига оид янги қонунлар меҳнат муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибага ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мослигини таъминлашга хизмат қилади. Пировардида пенсия таъминотида ижтимоий адолат тамойилларини кучайтиришга, шунингдек, пенсия жамғармасининг даромад ва харажатларининг барқарор мувозанатини таъминлайди.

Э. НАЖМИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

Ҳар йили бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик оқибатида содир бўлаётган ёнғинлар халққа кўплаб моддий ва маънавий зарар етказмоқда.

ПЕЧКА ВА ГАЗ УСКУНАНГИЗ НОСОЗ ЭМАСМИ?

Вилоятда 2010 йилда 1762 та ёнғин содир бўлиб, шундан 1248 таси аҳоли турар жойларида рўй берди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Зангиота, Оҳангарон, Бўка, Зангиота, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида ёнғинлар аянчли оқибатларга олиб келди, инсонлар ҳаётига зомин бўлди. Шу ёнғинларнинг 20,5 фоизи печь ва газ ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида келиб чиққан.

Аҳоли тураржойларида хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик, аксарият ҳолларда зарур огоҳлантирув-профилактик ва тушунтириш ишларига эътибор бермаслик ҳам бунга замин бўлмоқда.

2010 йилда печь ва газ ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик натижасида 360 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинлар натижасида 3 фуқаро ҳалок бўлди, 26 фуқаро турли тан жароҳатлари олди, 148 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар етказилди. 2011 йил январь ойида эса юқоридаги сабабга кўра 80 та ёнғин содир бўлди.

Жумладан, 2 январь куни Зангиота тумани, Бобур маҳалласи А. Навоий кўчасида яшовчи фуқаро К. Обидовга қарашли уйда газ иситиш печи дудбуронининг носозлиги туфайли ёнғин содир бўлиб, уй томи, шифти ҳамда жиҳозлари ёниб кетиб, уй эгаси катта моддий зарар кўрди.

7 январь куни Бекобод тумани, Фарҳод маҳалласида яшовчи Т. Нажмиддиновга қарашли уйда иситиш печидан фойдаланиш қоидаси бузилиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, уй эгасига 2 миллион сўмликдан ортиқ моддий зарар етказди.

15 январь куни Зангиота тумани, Хонобод қишлоғи Намданак кўчасида яшовчи Д. Ҳожиевга қарашли уйда иситиш печи носозлиги оқибатида ошхона ёниб кетди.

Йил бошидан буён кўп қаватли уйлар ва хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текшириб чиқилганда 17 та ҳолатда газдан ноқонуний, 316 та ҳолатда носоз иситиш печларидан фойдаланиш ва 67 та ҳолатда газ ускуналарини резина шланг орқали улаш каби қоидабузарликлар аниқланди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида, хусусан, саноат корхоналарида, билим юртлари, мактаб, боғча ва аҳоли тураржойларида режали текширувлар ўтказишмоқда, фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштириб, оммавий ахборот воситаларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Агар бу ишга кенг жамоатчилик ҳам эътибор қаратса, ёнғин чиқиши янада камайган бўлар эди.

Гулшан ИНОҒОМОВА, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори.

ОГОҲЛИК

ТАЛАБАЛАРГА САБОҚ

Вилоят педагогика коллежида "Диний экстремизм, гиёҳвандлик, терроризм, одам савдоси ва уларнинг оқибатлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташкил этган мазкур машғулотлар тўрт кун давомида, икки сменада олиб борилди.

Йиғилишда маъруза қилган мутахассислар терроризм, экстремизм, миссионерлик ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг ижтимоий-маънавий хавфлилигини, тинчлигимизга раҳна солишга уринаётган айрим ёт кучлар жамият тараққиётига салбий таъсир этиб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитиши мумкинлигини таъкидлашди.

Миллий тикланиш демократик партияси ва "Камолот" вакиллари сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва вазифалари ҳақида маълумот беришди. Ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари учун ҳукуматимиз яратаётган имкониятлардан фойдаланиш, турли ёт иллатларнинг таъсирига берилмаслик мақсадида пухта билим олиш зарурлиги таъкидланди.

Давра суҳбати давомида ўқувчилар савол-жавоблар воситасида тадбир мавзусига оид билимларини янада мустаҳкамлашди.

Тадбир сўнгида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатларнинг оқибатлари ва уларнинг олдини олиш муаммосига бағишланган қисқа метражли ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

АЁЛ ҚАЛБИ

ОҲАНГАРОННИНГ ОҲАНГРАБОСИ

Вилоятимиздан чиққан "Энг яхши ҳамшира", "Энг яхши алла ижрочиси" Санобархон Илёсова портретига чизгилар

Бир манзара ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди: катта концерт зали, саҳнада куйлаётган хонанданинг юракларни сел қилгувчи майин овози бутун зални гўё сеҳрлаб қўйган. Биринчи қаторнинг ўртароғида ўтирган болакайга кўзим тушиб қолди. У саҳнага бутун борлиғи, онгу шуури билан тикилганча, тек қотган. Мумтоз қўшиқчилик санъатининг дурдоналаридан бири "Фасли навбаҳор ўлди..."нинг ҳаётбахш навоси ҳар қандай қалб торини чертиб, куйлатиб юборадигандек.

Ниҳоят қўшиқ тугаб, хонанда томошабинларга таъзим қилар экан, гулдурос, давомли қарсаклардан ёноқлари ёнган аёл томон ўша болакай қўлида гулдаста билан чиқиб борди...

Оҳангарон воҳасининг сўлим қишлоқларидан бири Ўзарнинг қизи Санобархон Илёсова, дарҳақиқат, болалик орзуларидан ҳам ўзиб кетди. Ота-онаси, ойласи, фарзандларининг, халқининг ардоқли инсонига айланди. Унинг табиатига хос бўлган камтарлик, самимийлик, қоларверса, меҳнатсеварлик оддий қишлоқ қизини ўз элининг меҳр-муҳаббатига сазовор этган бўлса, эҳтимол. Бу фазилатлар қизгинанинг ҳамширалик касбида ҳам айни муддао бўлди. Ҳа, Санобархон аслида тиббиёт ходими. Лекин куйламасдан туролмайди.

– Болалигимдан куйлашни, рақс тушишни яхши кўрардим, – дейди у. – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Суюнова ижро этган "Ойбулоқ" тилимдан тушмас, мактабда бўладиган тадбирларда албатта, Замирахоннинг бирорта қўшиғини айтар эдим.

Мактабларо танловларда Муқимий номидаги 8-мактаб ўқувчиларининг чиқишларига файз бағишлайдиган Санобархоннинг хонишлари ҳали-ҳамон устозлари ёдида. Музиқа ўқитувчиси Тожиқул Жанаев 1-синфданоқ қўшиқ айтиб, барчанинг эътиборини тортган қизалоққа алоҳида меҳр қўйган, келажакда машҳур хонанда бўлишига ишонган эди. Тўғри, ота-онасининг раъйини қайтаролмаган қиз санъатни эмас, опалари сингари тиббиёт соҳасини танлади. Қалбида Ватан туйғуси, юрт муҳаббати жўш урган инсоний фазилатлар туфайли меҳри дарё, кўли гул ҳамшира, овози булбул хонанда сифатида элга танилди.

"Ҳамшира – 95" танловининг шаҳар, туман, вилоят босқичлари ғолиби бўлди. Ҳатто, республикада ҳам "Йилнинг энг яхши ҳамшираси" сифатида тан олиниб, Исроил давлатига саёҳат қилиш, ўқиб, ўрганиб келиш имкониятига эга бўлди. У ҳамшираликни сидқидилдан бажарар экан "кўнгли доим қўшиқ истаб" келди. Хонанданинг беморларга ҳам жон бағишловчи овозини эшитганлар ҳузурланиб, яна қўшиқ айтиб беришини илтимос қилган ҳоллар кўп бўлган. Энди у эл назаридаги хушовоз хонандага айланди. "Аёл – одам чироғи", "Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл", "Оналар куйлаганда" каби тадбир ва танловларда фаол иштирок этиб, ўз мухлисларига эга бўлди.

– Астойдил ният қилсанг, албатта унга етар экансан, – дейди у. – Аввалига куйлашимга рўйхуш бермаган отаонам, умр йўлдошим энди менинг ҳар бир чиқишимдан розилар. Муваффақиятларимдан қувониб ўтиришади, дуо қилишади. Яратганга шукр, ҳур Ватаним, санъатнинг қадрига етадиган ҳаёт ҳамроҳим, ўғилларим бор. Эрали акам менинг доимий маслаҳатчим, суянчиғим.

– Яқинда сиз "Энг яхши алла ижрочиси" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдингиз. Аслида алла айтмайдиган оналар йўқ ҳисоби. Лекин тан олиш керак, "Алла айтолмайман" дейдиганлар ҳам учраб туради.

– Тўғри айтдингиз. Ёш оналарга бағишланган тадбирлардан бирида ёшгина келинчакдан сўраб қолишди: "Алла айтишни биласизми?" Ўшанда у ҳеч қандай иккиланишсиз, истиҳоласиз "Йўқ, билмайман" деди. "Унда болангизни қандай юпатасиз, ухлатасиз?" дейишса, "Кўтариб олиб, "ҳм, ҳм, ҳм" дейман, у ёкдан бу ёққа юраман" дейди-я?! Ана сизга жавоб. Менимча "Алла" аёлнинг энг ноёб туйғуларини ифодалайдиган дил навоси, қалб нидоси. У гўё етмиш икки томирдан сизиб чиқиб, атрофга тараладиган, гўдакни яйратадиган, оламни яшнатадиган наво. Уни куйлаш бахти биз – аёлларга насиб этган. Бу ҳам бир қадриятку, аслида.

Кўринишидан содда, бир қарашда, ҳатто, тўпорироқ туюладиган бу аёлнинг самимий сўзлари, теран мулоҳазалари, суҳбатдошини ҳаяжонга солиши, шукроналикка даъват этиши бор гап.

– Ҳозир сизни туман кенгаши депутати, Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман кенгаши раиси ўринбосари сифатида ҳам яхши танишади. Давлат ва жамоат иши, танлаган касбингиз, севган машғулотингиз, қоларверса, оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси... Аёл киши учун булар оғир эмасми?

– Ҳар ишнинг ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бор. Лекин, қалбда ҳавас, иштиёқ, хоҳиш бўлса, ҳамма-сига улгурса бўлади. Юртбошимизнинг хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликларига виждонан жавоб бериш биз аёлларнинг бурчимиз-ку! Сизга айтсам, ҳали олдинда мақсад ва режаларим кўп. Уларни рўёбга чиқаришда, албатта, мустаҳкам соғлик зарур. Тадбиркорликни ихтиёр этганимнинг боиси, хотин-қизлар саломатлиги, баркамоллигига хизмат қилувчи тиббиёт бўлинмалари ташкил қилсак деган ниятим бор. Лекин, қўшиқчилик сирларини ўрганиш, Ватан, она диёр мадҳини куйлаш, халқимизга яхши қайфият улашишга ҳам астойдил ҳаракат қиляпман. Ҳозирги кунда "Сени куйлайман, Ватан" танловининг республика босқичи ва аёллар байрамига атаб янги қўшиқлар гулдастасини тайёрлаяпман. "Муножот", "Фиғонким...", "Онажон", "Онамни кўргани бораман" шу гулдастанинг энг ноёб гуллари бўлса ажаб эмас.

– Мумтоз қўшиқчилик санъатига алоҳида меҳр қўйганлигингиздан хабардормиз.

– Ҳар бир қўшиқ шайдоси, у етук санъаткорми ё ҳаваскорми, албатта, мумтоз қўшиқларни куйлашни орзу қилади. Лекин, уни ҳамма ҳам меъёрига етказиб ижро этолмайди, жумладан, мен ҳам. Ҳар ҳолда орзуга айб йўқ дейишади-ку! Илк бор "Фасли навбаҳор ўлди" қўшиғини ижро этганимда томошабинлар жуда мамнун бўлишди, узоқ олқишлашди. Бу менга қанот бағишлади, албатта. Биласизми, "Қоракўзим"ни айтиш эзгу орзуимга айланган. Агар қўлимдан келса... қўшиқчиликка қўл уриб хато қилмабман, дер эдим.

– Фарзандларингизнинг ҳамшира, хонанда, депутат, тадбиркор оналарига бўлган муносабати қандай?

– Яратганга шукр, икки ўғилнинг бахтиёр онасиман. Қўшиқларимни севиб тинглашади. Фахрланишади. Жамоатчилик ишларимни ҳам қадрлашади. Шунинг учун рўзғор ишларига қийналмайман, улар ёрдамида барчасига улгураман. Баъзан, тадбир, тўй-томошаларда иштирок этишим зарур бўлиб қолганда ёнимда бўлишади. Уларнинг ҳаётда яхши инсон бўлиб етишишларини хоҳлайман.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ТААССУФ

АРИҚ ЧИҚИНДИХОНА ЭМАС

Бир куни эллик беш ёшлардаги фаррош аёл одамларнинг маданиятсизлигидан нолиётганига гувоҳ бўлдим.

"Ўғлим, ҳозиргина шу жойларни тозалаб кетгандим-а. Қаранг, ахлат қутиси туриб, унинг ёнига ва зинапоя тевракларига сигарет қолдиқларини ташлаб кетишибди. Баъзиларнинг дуч келган жойга ахлат ташлашларини кўриб, жаҳлим чиқиб кетади", дерди аёл куюниб.

Дарҳақиқат, дилни хира қилувчи бундай ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Уюм-уюм ахлатларни одамлар сувга оқизаётганларини кўриш эса янада ачинарли. Ота-боболаримиз азал-азалдан "сувга тупурма, хас-чўп ташлама" деб уқтиришган. Бироқ, бунга ҳамма ҳам амал қилавермайди. Баъзида анҳор ва ҳавзалар четида қоғоз уюмлари, мева ва сабзавот қолдиқларини кўриб, куюнасан киши. Ариқ ва анҳор бўйларини чиқиндихонага айлантириб олганлар ҳам йўқ эмас.

Мутахассисларнинг илмий изланишлари ва текширувларидан маълумки, касалликларнинг 70-80 фоизи ифлосланган сув орқали тарқалади. Натижада, ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари келиб чиқади. Назорат марказлари томонидан ифлосланган сув санитария-гигиеник ва бактериологик таҳлилхоналарда текширилганда сувда касаллик чақирувчи микроблар борлиги аниқланган. Бундан ташқари, очиқ сув ҳавзаларининг кимёвий ифлосланиши ҳам меъёридан бир неча баробар ортиб бораётгани тасдиқланмоқда. Табиийки, бундай сув истеъмол учун жуда хавфли. Зарарланган сув ҳавзаларида чўмилганда эса турли тошмалар тошиши мумкин.

Вилоятимиз ҳудудидан Қорақамиш, Бўзсув, Солар, Қуйи Жўнариқ, Баротхўжа каналлари, Чап ариқ ва бошқа кичик ариқлар оқиб ўтади. Уларга турли чиқиндиларни ташламаслик, қирғоқларини тоза тутиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Ҳар бир хонадон, ташкилот ва идора ходимлари чиқиндиларни белгиланган жойларга ташлашлари лозим.

Халқимиз азалдан тозалик, орасталикни гўзалликнинг асоси сифатида улуғлаб келган, озодалик бор жойда меҳнат унумли бўлади дейишган.

Инсон дунёга улуғ мақсадлар билан келади. Қалбининг туб-тубидаги эзгу ният уни яхши ишлар қилишга ундайди. Лекин шуниси ҳам борки, инсон доим ҳам ўзгалар манфаатини қадрлайвермайди. Шундан бўлса керак, айрим маҳаллаларда маиший чиқиндиларнинг уюмларининг пайдо бўлиши оз бўлса-да, учраб турибди. Вилоятимиз шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли орасида ташкилий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Кузатилган хато ва камчиликлар юзасидан тегишли чоратадбирлар кўрилмоқда. Ҳар бир фуқаро доимо тозалик, озодалик қоидаларига риоя этса, яшаш жойимиз, маҳалламиз, юртимизнинг ҳар бир гўшаси ораста бўлишини унутмаслик лозим. Қолаверса, фарзандларимизни, оиламизни юқумли касалликлардан асраган бўламиз.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги аҳоли яшаш жойларида маиший қаттиқ чиқиндиларни йиғиш майдончалари ташкил этилган. Шунингдек, чиқиндилар махсус транспортларда олиб чиқиб кетилади.

Бизнинг асосий мақсадимиз, аҳоли яшаш жойларида йиғиладиган маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатиш, атроф-муҳитни, тупроқ, ер ости ва ер усти сувлари, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш ҳамда аҳоли турароржойларида санитария ва эпидемия хавфини, экологик ноқулай ахволдан аҳолини ҳоли этиш ва касалликларнинг олдини олишдир.

Умирбек МИРЗАЕВ,
вилоят ДСЭНМ олий тоифали санитария врачи.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ҚЎЗИҚОРИНДАН ЗАҲАРЛАНМАНГ!

Баҳор фаслида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ва офтобли кунлар билан алмашиб туриши туфайли ёввойи қўзиқоринларнинг кўпайиши учун қулай шароит вужудга келади. Улар тоғ, дала ҳовли, хиёбон, ариқ ва сой бўйларида, шунингдек, хонадонларда кўп учрайди.

Қўзиқоринларнинг ёввойи турларини билмай туриб, уларни консервалаш ва ҳар хил таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш хавфли эканини эсдан чиқармаслик лозим.

Вилоятимизнинг Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Бекобод, Оҳангарон, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Паркент туманларида кўплаб учровчи қўзиқоринларнинг аксарияти заҳарли. Айримлари истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлиб, фақат мутахассисгина фарқлаши мумкин. Оқ паганка, мухомор, сариқ тана, сережка, шампиньон, шайтонча каби қўзиқорин турлари маълум шароитларда заҳарли хусусиятларга эга бўлади. Улар қонга сўрилиб, асаб тизими, юрак қон-томир, буйрак, бош мия тўқималарини жиддий жароҳатлайди.

Заҳарланиш, айниқса, қария ва болаларда ўткир кечиб, оғир асоратларга олиб келади. Заҳарланиш белгилари 3-5 соатдан 20-24 соатгача яширин кечиб, касаллик қаттиқ қорин оғриғи, кўнгил айниши, қайт қилиш, титроқ, бош оғриғи, бош айланиш аломатлари билан намоён бўлади. Бундай ҳолларда зудлик билан шифокорга мурожаат этишни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда беморнинг аҳволи янада оғирлашиб, айрим ҳолларда инсон нобуд бўлиши ҳам мумкин.

А. ИСМОИЛОВ,
вилоят ДСЭНМ овқатланиш гигиенаси бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Ангрен шаҳар ИИБ Бўстон жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Тико" русумли, д/р йўқ, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.07.2010 й., №1-1028/2010. Бошланғич баҳоси - 4 500 000 сўм. 2. "Опель Вектра" русумли, д/р Z415ZFM бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.05.2010 й., №иш-783/2010. Бошланғич баҳоси - 4 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 15 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза-ларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2003 йил 27 январда 08-000688 реестр рақами билан рўйхатга олинган "OMADLI YO`L" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 32.251.400 (ўттиз икки миллион икки юз эллик бир минг тўрт юз) сўмдан 2.500.000 (икки миллион беш юз минг) сўмга камайтирилди.

Даъволар икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 342-20-56.

Республика кўп тармокли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан "Тошкент лифт" трести корхонасига қарашли бўлган, 12.03.2009 йилдаги 10-0914/987-сон ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 9-А уй, 73-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 86 кв.м бўлган нотураржой биноси, бош. нархи – 36 688 764 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 2-уй, 25-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 71 кв.м. бўлган нотураржой биноси, бош. нархи – 30 881 057 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 85-уй, 155-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 68 кв.м. бўлган нотураржой биноси, бош. нархи – 41 205 909 сўм. 4. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 24-даҳа, 55-уй, 157-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 69 кв.м. бўлган нотураржой биноси, бош. нархи – 34 668 604 сўм

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 31 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 21 апрель куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 14.09.2009 йилдаги № 1-674 сон ижро варақ. асосан, 1963 йилда ишлаб чиқ., дав. бел. 11 К 2070 бўлган "М21УС" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 496 000 сўм. 2. 23.07.2009 йилдаги №1-332 сон ижро варақ. асосан, ишлаб чиқ. номаълум, дав. бел. 10 А 0572 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 297 000 сўм. 3. 16.02.2010 йилдаги №1-45-сон ижро варақ. асосан, 1987 йилда и/ч., дав. бел. 30 I 1541 бўлган "Москвич-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 444 000 сўм. 4. 19.10.2010 йилдаги ижро варақ. асосан, 1993 йилда ишлаб чиқ., дав. бел. 01 G 412 ВА бўлган "Ваз-21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 708 082 сўм. 5. 01.02.2010 йилдаги № 635/3-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 118-уйда сақланаётган, 1982 йилда и/ч., дав. бел. 10 S 496 ВА бўлган "Маз 5334" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 39 881 700 сўм. 6. 18.05.2010 йилдаги ижро варақ. асосан 1984 йилда ишлаб чиқ., дав. бел. 11 G 9841 бўлган "Ваз-21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 155 608 сўм.

Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Ёшлик ХХСК майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 13.05.2010 йилдаги № 5800-сон ижро ҳужжатига асосан, 1985 йилда и/ч., дав. бел. 10 F 952 АА бўлган "Камаз 5320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 142 276 сўм. 2. 13.05.2010 йилдаги № 5802-сон ижро ҳужжатига асосан, 1995 йилда и/ч., дав. бел. 12 F 8358 бўлган "Газ 31029" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 245 274 сўм. 3. 13.05.2010 йилдаги № 5799-сон ижро ҳужжатига асосан, 1982 йилда и/ч., д/р. 11 Р 7315 бўлган "Камаз 5320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 200 800 сўм. 4. 25.06.2009 йилдаги № 3035-сон ижро ҳужжатига асосан, 1986 йилда и/ч., дав. бел. 11 Q 1861 бўлган "Камаз53212" русумли автотр. воситаси, бош. нархи – 17 316 687 сўм. 5. 25.06.2009 йилдаги № 3036-сон ижро ҳужжатига асосан, 1989 йилда и/ч., дав. бел. 11 А 8260 бўлган "Камаз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 655 627 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: DB 001 №000003.

ХХI аср ва ДУНЁ

СОМАЛИДА ТЎҚНАШУВЛАР

Тинчлик ўрнатувчи кучлар билан Сомали жангарилари ўртасидаги тўқнашувлар чоғида 50 киши ўлдирилди. Улардан 20 нафари тинч аҳолидир. AFP агентлиги шу хабарни тарқатди.

Африка иттифоқи ҳарбий хизматчилари ва "Ал-Шабаб" экстремистик тўдалар жангарилари ўртасидаги тўқнашувлар бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг бир қанча туманлари, жумладан, пойтахт Могадишо шаҳрида ҳам давом этди. Бу ерда 26 киши ҳаётдан кўз юмди.

Агентликнинг маълумотларига кўра, оддий фуқароларни ҳисобга олмаганда, тинчлик ўрнатувчи кучлар кўп одам йўқотди. "Ал-Шабаб" вакилининг айтишича, жангарилар узил-кесил ғалаба қозондилар.

Тинчлик ўрнатувчи кучлар беш минг кишига эга. Марказий ҳукумат улар ёрдамида мамлакатнинг жанубий туманларини назорат қилишга уринаяпти. Бироқ, бу ерда ҳам тинчликпарвар кучлар билан экстремист исёнчилар ўртасида тез-тез тўқнашувлар бўлиб турибди.

КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ

Янги Зеландияда 6,3 магнитуда кучланишда юз берган зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар 92 кишига етди. AFP агентлигининг таъкидлашича, мамлакат бош вазири Жон Ки шундай маълумот берган.

У яна таъкидладики, қурбонлар сони ортиб бориши мумкин. Чунки, вайроналар остидан ҳамон ҳалок бўлганлар жасади топилмоқда.

Мутахассислар кучли зилзиладан 3,5 дан 12 миллиард АҚШ долларигача моддий зарар кўрилганини таъкидлашмоқда.

ГЕНЕРАЛ ҚАМАЛДИ

Сербиянинг истеъфодаги генерали Властимил Жоржевич Косоводаги "Этник тозалаш"да иштирок этгани учун 27 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди, деб хабар тарқатди BBC News агентлиги.

Собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал Жоржевични беш пункт бўйича, жумладан, қотиллик ва депортацияда айблади. Суд ҳукмига кўра, генерал "камида 724 косоволик албанлар"ни ўлдиришда иштирок этган. Кўп ҳолларда тинч аҳоли, шу жумладан аёллар ва болалар қурбон бўлишган.

62 ёшли генерал ўзига юклатилган айбларни рад этмоқда. У қўл остидагиларнинг албанларга қарши қандай хатти-ҳаракатлар қилганликларидан бехабар эканлигини рўкач қилмоқда.

ЛИВИЯГА ҚАРШИ САНКЦИЯ

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари Ливияга қарши санкция ишлаб чиқишга розилик билдирди. Reuters агентлигининг хабарига кўра, Ливия раҳбарлари мамлакатда авж олаётган норозилик акциясини аёвсиз бостирмоқда.

Санкция қабул қилишни Франция ва Германия талаб этди. Улар, жумладан, мамлакатга қурол олиб кирилишини тақиқлаб қўйиш, мамлакат раҳбарларининг банк активларини музлатиш, шунингдек, уларнинг ЕИ мамлакатларига киришларини чеклаб қўйишни таклиф этди. Дипломатлардан бирининг гапига қараганда, Ливиядан ЕИга нефть ва газ етказиб беришга оид шартнома ҳаракати ҳам тўхтатиб қўйилиши мумкин.

ЕИнинг чет мамлакатлар ишлари бўйича Олий вакили Кэтрин Эштоннинг баёнотига қараганда Европа Иттифоқи норозилик акциясини аёвсиз бостиришда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга ҳам тайёр. Шунингдек, қатор мамлакатлар, жумладан, Италия вакили санкция қўллашга шошилмасликни маслаҳат бераяпти. Чунки, бундай чоранинг иқтисодий оқибатлари ҳамда Ливиядан эмигрантлар оқими кучайиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Европа Иттифоқига аъзо айрим мамлакатларнинг хавотирланаётгани бежиз эмас. Уларни айни пайтда Ливияда қолган европаликларнинг қисмати ташвишга солмоқда.

ИТАР-ТАССнинг маълумотларига кўра, Люксембург ташқи ишлар вазири Жан Ассельборн Қаддофийнинг ўз миллатига телемурожаатидан сўнг "Бу одам бемор ва жуда хавфли" деди. Франция мудофаа вазири Ален Жюппе эса, Қаддофий давлат раҳбари сифатида сўнгги кунларини яшамоқда деган фикрни айтган.

ЯМАН МУХОЛИФАТЧИЛАРИ ҲАРАКАТИ КУЧАЙДИ

Мамлакат президенти Али Абдулла Солиҳ хавфсизлик органларига ҳозирги тузум тарафдори ёки унга қарши эканлигидан қатъий назар, тартибсизликлар иштирокчиларини "тўла ҳимоя қилиш"ни буюрди.

AFP агентлиги ҳукуматнинг расмий баёнотига таяниб шу ҳақда хабар тарқатди. Яман марказий янгиликлар агентлиги орқали тарқатилган ҳужжатларда айтилишича, президент тегишли идораларга ҳукуматга қарши норозилик акцияси иштирокчилари ва амалдаги тизимга ҳайрихоҳлар ўртасида юз бериши мумкин бўлган тўқнашувларнинг олдини олишни топширди.

Яман мухолифатчиларининг оммавий чиқишлари 2011 йил январда бошланган эди. Февралда эса Миср президенти Ҳусни Муборак 18 кунлик норозилик акцияларидан сўнг лавозимидан кетгач, мухолифатчилар ҳаракатни қайтадан кучайтирдилар. Ушбу чиқишлар давомида амалдаги тузум тарафдорлари билан митинг қатнашчилари ўртасида тўқнашувлар содир бўлиб турди. Ҳатто, полициячилар норозилик акцияси иштирокчиларига қарата ўқ уздилар. Тўқнашувлар бошланганидан буён Яманда камида 15 киши ҳалок бўлди.

Мамлакатни 1978 йилдан бери бошқариб келаётган Али Абдулла Солиҳ норозилик чиқишлари бошланганидан сўнг демократик ислоҳотлар ўтказиш ва навбатдаги президент сайловларида ўз номзодини қўймасликка ваъда берди. Бироқ, кейинчалик фақат сайловларда мағлубиятга учрасагина президентлик лавозимини тарк этишини маълум қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ – АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ АВЛОДЛАР ҚАЛБИДА

Тошкент воҳасининг улкан ҳудуди не-не сиру синоатлару битмас-туганмас маънавий бойликларни бағрида сақламайди дейсиз. Ҳали тилсимлари тўла очилмаган виқорли тоғлар. Тарихи неча асрларга бориб тақаладиган сирли ғорлар. Табиий офатларга бўй бермас девкелбат дарахтлар. Қўзғалмас, пойдор тошлар. Одамларга соғлиқ улашувчи ва ҳаёт қўшиғини мудом куйловчи булоқлар...

Паркент тумани тоза ҳавоси, юмшоқ, хуштаъм булоқ сувлари, ғаройиб тоғ сўқмоқлари билан кишини ҳам ҳайратга солади, ҳам мафтун этади. Бу серқуёш ўлка табиати ўзига хос уйғунлиги ва жозибаси билан юракларни завқ-шавққа тўлдиради. Шу гўзал масканни қадамлаб кезиб, илмий жиҳатдан обдон ўрганган В. Бартольд, М. Массон, Ю. Буряков каби шарқшунос олим ва археологлар бу табиат мўъжизасини қайта-қайта таъкидлаганлар. Кумуш, ярим металл ва бошқа беҳад қазилма бойликлари қадимий ва ҳозирги тадқиқотчи олимлар учун Паркент туманини қўриқхона деб ҳисоблашларига изн берган.

Бироқ, Паркент мўъжизасига тарихий-археологик жиҳатдан қарашлар ва бошқа илмий ёндашувларнинг ўзигина қўриқхона номига асос бўлмаган. Бунинг бунданда муҳимроқ жиҳатлари ҳам бор. Булар – бетакрор ўлкани идрок этиш ва унга дахлдорлик туйғуси. Булар – асрлар оша авлодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган қадимий муқаддас жойлар ва уларни авайлаб асраш истаги. Улар ҳоҳ мақбара, пойдор тош, виқорли дарахт, ҳоҳ булоқ бўлсин. Мабодо, улар бирор тарихий сана ёки буюк аждодларимиз номига алоқадор бўлса, бу жой муқаддас қадамжога айланади.

Биз кўпинча бу муҳим омилнинг туб мазмунмоҳиятига чуқурроқ назар солмаймиз. Ҳолбуки, унинг инсоният ривожи ва унинг маънавий юксалишига таъсири биз тасаввур қилганимиздан ҳам кучли ва чуқурдир. Инсоннинг Она замин тарихи ва тақдирига дахлдорлиги айнан мана шунда. Одамлардаги ватанпарварлик, инсонпарварлик ва яратувчилик туйғулари айнан шундан чўғ олиб, алангаланади.

Паркент тумани ўзининг сайёҳларбоп хушманзара тоғли йўллари билан машҳур. Аммо, туманнинг қоқ юрагида, бундан ўн асрлар бурун Фаркент шаҳри гуллаб-яшнаган ва ҳозир туман маркази ҳаёти гуркираган жойда, эски уйлар орасидаги киши кўзидан нари ерда қадимий Бухангар бува муқаддас қадамжоси бор. Кўҳна девор эшигидан соясалқин боғга кирсангиз ўзингизни бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис этасиз. Бу ер ҳайратомуз тинч ва сокин. Фақат ариқчада оқиб турган сувнинг шилдироғи сукунатни бироз бузади. Тўғрироғи, боғга ўзгача мафтункорлик бахш этади. Бухангар бувани қабри жойлашган эски бинони маҳаллий аҳоли вақти-вақти билан таъмирлаб туради.

Қабрдан сал нарида ғаройиб тош композиция бор. Тошлардан иккитаси ёнма-ён кўкка тик бўй чўзган. Бир нечтаси ер қаърига сингган. Одамлар бу тошларни авайлаб асрашга ҳаракат қилишади. Чунки, уларни муқаддас деб билишади. Чунки, бу тошларни Бухангар бувани ўзи шундай жойлаштирган дейишади.

Бу ерда яна бир ноёб тарихий ёдгорлик – муқаддас руҳлар парвариш қилган кўҳна дарахт бор. Дарвоқе, бу тарихий дарахт

аллақачон синиб, қулаб тушган. Аммо, одамлар уни асрашяпти. Ҳозир бақувват тиргакка суянган ҳолда турибди. Бу муқаддас дарахт пойига келувчилар кўп. Ташрифдан мақсадлари эса, шу пойдор дарахт тимсолида Она Табиат ва Инсон зотига ҳурмат бажо келтириш ҳамда Она Еримиздаги тинчлик, хотиржамлик учун Яратганга ҳамду-сано ва шукроналар изҳор этишдир.

Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, бундан анча илгари, тахминан саккиз асрлар бурун бу ўлкага Бухангар бувани табаррук қадами етиб, дарахтлар эккан, сув келтирган. Пойдор тошлар унга қулоқ солишган, бўйсунишган. Бу ердаги табиий уйғунлик манбаи табиат унсурлари, яъни сув, ер, дов-дарахт, тош ва инсоннинг бир-бирига мутаносиблигидир. Буни инсон қўли билан бунёд этиладиган уйга қиёслаш мумкин. Қуйидаги оддийгина ривоят айнан шу ҳақда.

...Гўзал шаҳарнинг чеккасида бир оила истиқомат қиларди – эр ва хотин. Улар жуда аҳил ва иноқ яшашарди. Бироқ, фарзандсиз эдилар. Кунларнинг бирида аёл туш кўради. Оппоқ соқолли бир қария аёлнинг ёнига келиб дебди:

– Шундай бир жой борки, у ерда тош, дарахт, сув ва инсон бирга, яхлитликда яшайди. Ўша жойга бор, қўлингни сувга ботир, юзингни ювган. Қўлингни тошга қўй. Дарахт ёнига бор, уни қучоқла. Сўнг муқаддас инсон ётган қабр пойига бор. Бу – Бухангар бува. Унга топин. Ва ёдингда тут: ҳеч қачон сувни ифлослантирма, ерда ётган тошни таҳқирлама, уни тепма, унга туфлама. Дарахтга қўл кўтарма, уни синдирма. Ахир улар сенинг уйинг ва эсон-омонлигинг, бахт-саодатинг асоси.

Эр-хотин ўша қария айтган жойни топишибди ва у айтган гапларнинг ҳаммасини бажо келтиришибди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, улар ўғил фарзандли бўлишибди. У жасур ва марҳаматли бўлиб улғайибди. Қушлар ва дарахтлар тилини биладиган бўлибди. Вояга етгач, Бухангар бува қабрига келибди. Қараса, кўҳна дарахт қулаб ётган эмиш. Уни кўтариб, уй деворига суябди. Атрофларига бақувват тиргагичлар қўйибди. Шунда пойдор дарахт қайта жонланиб, инсон меҳр-муҳаббатидан куч олиб, ҳар йили эрта баҳордан то кеч кузгача ҳар бир бўғинидан кўм-кўк новда чиқарадиган, турли-туман қушлар новдадан-новдага учиб-қўниб, шўх сайрайдиган бўлибди.

Она заминимиз қанчаданқанча ривояту афсоналарни ўз бағрида сақлаб келмаган дейсиз! Уларнинг аксарияти халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Ҳар бирида ҳаёт, меҳнат, заминга муҳаббат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимизда қадимий ёдгорлик ва муқаддас жойларни қайта тиклаш ва обод қилиш изчил давом этаяпти. Бизнинг вилоятда ҳам уларнинг кўпи тикланиб, ободонлаштирилди. Паркент туманининг ўзида Саид ота, Заркент ота, Бобомочин каби кўплаб тарихий муқаддас жойлар тартибга келтирилди. Бухангар бува ҳам ўзининг қайта тикланишини кутмоқда.

Ишонамизки, бу муқаддас жой ҳам одамлар учун дил очиш, гул-гул яшнаш жойига айланади. Зеро, бу жойда узоқ ўтмишда яшаб, юртимиз тарихи ва халқимиз хотирасига ўчмас саҳифалар битган табаррук аждодларимиз умргузаронлик қилишган.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Салкам ўн беш йилдан буён "Она ва бола скрининги" Давлат дастури амалга оширилаяпти. Дастур доирасидаги тиббий текширувларнинг она ва бола ҳаёти учун нечоғлик аҳамиятли эканини ўрганиш мақсадида Ҳасанбой қишлоқ врачлик пункти гинекологи Дилдора Ёдгорова билан суҳбатлашдик.

КЕЛАЖАК ДАВОМИЙЛИГИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

– Скрининг текширувининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

– Аслида "Скрининг" – "кўздан кечириш" деган маънони англатади. У болаларда ирсий касалликлар натижасида келиб чиқувчи ақлий заифлик, ҳомиланинг туғма нуқсон билан ривожланиши каби ҳолатларни олдиндан аниқлаб беради. Агар ҳомила нуқсон билан ривожланаётгани кузатилса, ўз вақтида керакли чораларни қўллаш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, янги туғилган чақалоқларда, ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни ҳам аниқлаш мумкин.

– Скрининг кўриги фарзанд кутаётган барча аёлларга тавсия этиладими?

– Қабулимга келган келинларнинг кўпчилиги "скрининг кўригига йўлланма беринг" деб қистовга олишади. "Сизга бу текширувнинг ҳожати йўқ" дея тушунтирганимдан сўнггина хотиржам бўлишади. Негаки, дастлабки муолажаларда ҳеч қандай хавфли белгилар намоён бўлмаса, текширувга зарурат қолмайди. 110 га яқин ҳомиладор аёл доимий назоратимда, уларнинг ҳеч бирига скрининг тавсия этмадим. Чунки, она ва боланинг аҳволи яхши. Аксарият ҳолларда скрининг аввалги фарзанди ирсий касаллик ёки туғма нуқсон билан дунёга келган, боласи кўп тушган ёки нобуд бўлган аёлларга тавсия этилади. Қолаверса, ота-онада ирсий касалликлар мавжуд бўлса, қариндошлар ўртасидаги никоҳларда, 35 ёшдан ошган аёллар ушбу кўрикдан ўтишлари шарт. Чунки, ота-онадаги касалликлар бола соғлиғига бевосита таъсир кўрсатади.

Дарвоқе, эркак ёки аёл гиёҳванд, ичкиликбоз ва кашанда бўлса ҳам кўрикдан ўтиш тавсия этилади.

Ҳомиладор аёл ҳомиладорликнинг 14 ҳафтасигача шифокор ҳисобида туради. 16-20 ҳафталарда ультратовуш ва биокимёвий скрининг текшируви ўтказилади. Бунда аёл қонида махсус биокимёвий маркерлар миқдори текширилади.

Шифокор сифатида шуни айтмоқчиманки, энг аввало қизларимиз ёшликдан ўзларини авайлаб, шахсий гигиена масалаларига лоқайд бўлмасликлари лозим. Турмушга чиқишларидан олдин, албатта, тиббий кўрикдан ўтиб, ўзлари ва бўлажак турмуш ўртоғининг ҳар томонлама соғлом эканликларига тўла ишонч ҳосил қилиши зарур. Фарзанд кутаётган аёллар эса, доимо шифокор назоратида бўлиб, кўрсатма ва тавсияларга риоя қилишлари керак. Шундагина, соғлом авлодлар давомийлиги таъминланади, оилаларимиз тотув ва мустаҳкам бўлади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ирода НОРБОЕВА суҳбатлашди.

ҚАРАНГ-А...

МУШУКЛАРГА ХОС САККИЗ ХИСЛАТ

● *Энг озғин ёввойи мушук миясининг ҳажми ҳар қандай семиз уй мушугининг миясидан анча катта. Негаки, уларда мия ҳажми билан ҳаракатланишнинг мураккаблиги ўртасида боғлиқлик бор.*

● *Мушукларда ёғ ва тер безлари бўлмайди. Шу боис улар ҳеч қандай ҳид таратишмайди. Фақат панжалари охиридаги терисимон жойларигина бироз терлаши мумкин.*

● *Ҳамма эркак ва урғочи мушукларнинг тўртдан бири чап ва ўнг панжаларидан бирдек яхши фойдаланиш қобилиятига эга. Яъни, мушукларнинг ҳаммаси ҳам чапақай бўлавермайди.*

● *Қулай об-ҳаво шароитида мушукларнинг кўкиш кўзлари 80 метрча масофадан ҳам аниқ кўринади. Сабаби – уларнинг кўзлари ёруғликни қабул қилишдан ташқари уни қайтариш хусусиятига ҳам эга. Шуниси қизиқки, бу кўкиш кўзлар ёруғлик нурини қайси томондан қабул қилса, айнан ўша томонга қайтаради.*

● *Мушукларнинг сиччонга ўчлигини физиологик нуқтаи назардан изоҳлаш лозим бўлади. Яъни кемирувчиларнинг жунида жуда кўп олтингугурт тўпланади. Мушукларнинг жуни мустаҳкам бўлиши ва кўп тўкилмаслиги учун бу модда уларга жуда керак.*

● *Жўмраклардаги хлорланган сув иси мушуклар бурнидаги айрим рецепторларни ғижжитиради. Шу боис водопровод сувини мушукларга беришдан аввал уни яхшилаб тиндириш тавсия этилади.*

● *Мушукларнинг жағи фақат тўғри очилиб-ёпилишига ярайди, холос. Ён томонларга эса, мутлақо сурилмайди.*

● *Мушукларнинг ҳар бир қулоғида 32 тадан мушаклар бўлади.*

АЙТИШЛАРИЧА

«СЕВГИ ОЛМА»СИМИ ЁКИ «ОЛТИН ОЛМА»?

● Таом тайёрлашда биз севиб ишлатадиган помидорнинг ватани Америка бўлиб, уни "томат" деб аташган. Таомларга мазали таъм бағишловчи бу неъмат Европага ҳам тарқалгач, маҳаллий аҳоли унга шоирона қилиб "помидоро" (олтин олма) номини беришган. Итальянлар уни "помпадур" (севги олмаси) дейдилар. Ўша пайтларда помидор файз берувчи ўсимлик ҳисобланган.

Бир неча йил ичида помидор Европа ва у орқали Осиё эллари таомларига катта ўзгартишлар киритди. Айниқса, Ўрта Осиёликлар бу "севги олмаси"ни чин дилдан севиб қолдилар, натижада у осиёликларнинг кўпгина таомлари масаллиқлари қаторидан жой олди.

● X аср бошларида яшаб ўтган араб саёҳатчиси Ибн Фатланнинг ёзишича, шарқий славян қабилаларида яхши бир одат бўлган. Илгари бир-бирига душман қабилалар ўзаро тинчлик шартномаси тузишса, бўтқа пишириб, биргаликда ейишган. Бўтқа ейилмай тузилган шартномалар кучга эга эмас, деб ҳисобланган.

Бугун давлат раҳбарлари ўзаро шартномаларни имзолашса, келган меҳмон шарафига зиёфат берадилар. Аммо, баъзи шартномалар кучининг бу зиёфатларга умуман алоқаси йўқ.

● Биринчи ресторанлар Россиянинг катта шаҳарларида ғарб ошпазлари томонидан очилган. Кейинчалик руслар оддий (меҳмонхонали) ресторанларини ҳам чет эл мақомида "ресторан" деб атай бошлаганлар. Биринчи ресторан аслида кичкина француз қовоқхонаси бўлган. Фақат унинг эшиги тепасидаги тахтачада йўловчиларга қарата: "Киринг ва соғлиғингизни тикланг", деган мурожаат бўлган.

Ўша даврдаги ресторанларда балки соғлиқни тиклайдиган воситалар бўлгандир. Аммо бугунги кунда соғлиқни ресторанларга бориб келгандан кейин тиклаш керак бўлади.

● 1610 йилда Россияда чоп этилган "Росписи царским кушаньям" ("Шоҳ таомлари ҳақида") китобида "Котлома" таоми учун зарур бўладиган масаллиқлар ёзилган: "11 кг ун, 25 дона тухум, 4 кг сариёғ". Номи ва масаллиғига қараб, гап бизнинг қатлама ҳақида эканини тушуниш қийин эмас. Аммо, хизматида машҳур ошпазлари бўлган шоҳлар нима сабабдан француз булочкалари қаторида бизнинг қатламамизни бундай кенг миқёсда истеъмол қилишган экан? Нима бўлганда ҳам шоҳлар овқатни танлаб ейишади. Балки улар "Қатқат қатлама, ақлинг бўлса ташлама!" топишмоғини "фойдали маслаҳат" деб тушунишгандир.

● 1638 йилда Россиядан Мўғулистонга элчи бўлиб борган Стариков юртига қайтаётганда мўғул хони совға тариқасида 65 килограммга яқин чой берган. Элчи бу қуритилган ўтни олишни унча хушламаган. Унинг ўрнига мўйна ва қимматбаҳо тошлар беришини сўраган. Аммо, мўғул хони қатъий қилиб: "Олавер, кейин хурсанд бўласан", деган.

Мўғулистонга қўшни бўлган Шимолий Хитойда чойни "ча-е" деб аташган. Шунинг учун руслар бу ичимликни "чай" деб аташади. Ғарбий Европага эса чой Хитойнинг жануб қисмидан келтирилган бўлса керак. Чунки, Хитойнинг жанубида яшовчилар бу ичимликни "ти" деб аташган.

● "Провансал" майонезининг пайдо бўлиш тарихи ҳам қизиқ. Москвада вақтинча яшаган Оливье исмли француз ошпази шогирдига горчица қайласини тайёрлашни ўргатади: "Тухум сариғини горчица билан аралаштирасан, шакар ва туз солиб, иситасан. Сўнг прованс ёғидан оз-оздан солиб, яхшилаб ишлов берасан. Ёғнинг ҳаммасини солиб бўлгандан сўнг сирка ва лимон шарбати қўшасан". Талабчан шогирд ҳамма ишни устози айтгандек бажариб, тайёр бўлган қайлани олиб келади. Оливье шогирдининг маҳсулига қараб, бир зум туриб қолади. Чунки, у кутган суюқ қайла ўрнида сметанага ўхшаган қуюқ майонез соуси турар эди.

Буни қандай тайёрлаганини шогирдидан бирма-бир сўраган Оливье ҳаммасини тушунади. У тухум сариғи ҳақида гапирганда "пиширилган" деган сўзни айтишни унутган экан.

Паришонхотирликнинг катта кашфиётларга сабаб бўлиши ҳақида тарихда бундан бошқа мисоллар ҳам кўп.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА тайёрлади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олой бозори ҳудудида жойлашган 9-сонли савдо дўкони учун Давлетов Шухрат Абдуллаевич номига 2006 йилда берилган № 7-448/2006 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "OQ OLMOS SAVDO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района за реестр. № 005103-11 от 01.02.2010г. (ИНН 301474952), расположенное по адресу: ул. Х. Умарова, дом 10, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокола собрания учредителя № 4 от 25.02.2011г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления по тел.: 121-22-28.

Учтепа тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2009 йил 19 июнда якка тартибдаги тадбиркор (СТИР 441866844) Набиев Саидали Сайдигазимович номига берилган № 0107214 реестр рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "YELLOW SAIL", зарегистрированное отделом государственоой регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района за реестр. № 004599-03 от 14.12.2010г. (ИНН 301609609), расположенное по адресу: проспект Амира Тимура 13., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя от 24.02.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 707-00-09.

Учтепа тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 31.12.2009 йилда 002807-01-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 301134797) "FIRST SERVIS" масъулияти чекланган жамияти, Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 26.01.2010 йилда 003924-09-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 301463429) "BARLOS KLASS PLYUS" масъулияти чекланган жамияти таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан Диниев Бобомуротович номига берилган 46Т034-сонли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "OR TEKSTIL", зарегистрированное в инспекции регистрации субъектов предпринимательства Кибрайского района Ташкентской области за № 2235 от 31.07.2009г., объявляет об уменьшении своего уставного фонда с 346 635 512,16 сумов до 241 621 512,16 сум.

Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан ХТ "Mirpo`latov Mirziyod Miraziz o`g`li" номига 2010 йил 4 мартда берилган № 10-05660 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан ХТ "Muxsimov Alisher Rustamovich" номига 2010 йил 8 апрелда берилган № 10-05793 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянные документы: устав, учредительный договор, свидетельство о регистрации № 004713-03 от 22.07.2010г., выданный Мирабадским хокимиятом г. Ташкента на СП "UNIVERSAL MEDICAL DIAGNOSTIC CENTER",
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Юқоричирчиқ туманидаги "Арғанчи" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган "Эргаш Ота" фермер хўжалиги "Эргаш ота" агрофирмасига айлантирилмоқда.

ООО "Yakkasaroy Qandolatlari", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Яккасарайского района за реестр. № 005304-11 от 27.04.2010г. (ИНН 301594226), расположенное по адресу: г. Ташкент, м-в Кушбеги, дом 7 кв. 77, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение протокола собрания общества от 20.02.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 545-04-49.

ООО "FARMUS", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Яккасарайского района (ИНН 203777085), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. А. Нурмухамедов, дом 2, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 360-77-61.

ООО "SHUHRATBEK SHOHRUHBEK" Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 84 800 000 сумов до 2 500 000 сум.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 30.04.1993 йилда № 002366-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 201012144) "SADO LTD" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган гувоҳнома, устав ҳамда таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Зангиота тумани, Келес шаҳрида жойлашган "КОНКОРДТРАНССЕРВИС" МЧЖга қарашли бўлган йўловчиларни шаҳар атрофида ташиш учун берилган қуйидаги: АТ № 0013855 – ДАМАС SNG – 01H831BA; АТ № 0013858 – ДАМАС – 10V739AA; АТ № 0013864 – ДАМАС – 10T023AA; АТ № 0013867 – ДАМАС – 11T8885; АТ № 0014055 – ДАМАС – 10T024AA; АТ № 0014059 – ДАМАС – 01F074CA; АТ № 0013856 – ДАМАС – 10H743AA; АТ № 0013857 – ДАМАС – 01J769BA; АТ № 0014054 ДАМАС – 10T560AA; АТ № 0014056 – ДАМАС – 10M769AA; АТ № 0014058 – ДАМАС – 30F7505; АТ № 0007301 – ДАМАС – 10Y562BA; АТ № 0009953 – ДАМАС – 10P631CA; АТ № 0011987 – ДАМАС – 10A678AA рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги ва муддати ўтганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный гос.ордер № 01-01/594 от 13.01.1993г. права собственности на квартиру Семенюк Марии Алексеевны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

РАССОМ ХАНДАСИ

– *Дадажониси, кечикканингизнинг ҳар соатига товон тўланг. Акс ҳолда...*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234